

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОРҚАЛИ ТУРИЗМНИНГ МУЛЬТИПЛИКАТИВ САМАРАСИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Тухлиев Искандар Суюнович**

*Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

**Абдувалиев Асрор Абдусолиевич**

*Мустақил тадқиқотчи, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

---

### **A R T I C L E I N F O.**

**Калит сўзлар:**

Стратегик тармоқ, рақамли технологиялар, онлайн платформалар, геопартал, мультиплекатив самара, ёндош хизмат кўрсатувчи тармоклар.

### **Аннотация**

Мақолада Ўзбекистон туризм соҳасини рақамли трансформациялашуви жараёнида туризм геопорталини ишлаб чиқиш таклиф килинган ва туризмнинг мультиплекатив самараасини харажатлар усули, яъни ЯҲМ ни туризмни барча товар ва хизматлар хариди учун сарфланган маблағлар қиймати орқали аниқлаш тавсия килинган.

---

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

**Кириши.** Ҳозирги пайтда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий мақсадларидан бири устувор стратегик йўналишларни танлаб олишдан иборат. Шу туфайли бугунги кунда бутун дунё назари Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияни амалга оширишга қаратилгандир. “Стратегиянинг “Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш”га бағишланган устувор йўналишида маҳаллий сайёхлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буорадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш” [6] вазифаси кўйилган. Ушбу вазифанинг бажарилиши макро даражада туризм соҳасини ривожлантириш, ЯИМдаги улушини ошириш, аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, халқаро стандартлар асосида янги туристик хизматлар ассортиментини кўпайтириш, янги йўналишлардаги туристик маршрутларни кўпайтириш, туристларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш тадбирларини ташкил қилиш, замонавий туризм инфратузилмасини кенгайтириш, ижтимоий-иктисодий ривожланишни жадаллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда пандемиядан кейинги даврда туризм соҳасининг жадал тикланишида ижобий

тенденциялар кузатилмоқда, бу давлат томонидан хорижий ва маҳаллий туристлар учун максимал шароит яратиш ва барча чекловларни олиб ташлаш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар туфайли амалга оширилмоқда. Натижада, 2022-йилнинг охиригача Ўзбекистонга киравчи туризмни 4,5 миллион нафаргача ошириш орқали хорижий туристлар оқимини таъминлаш кутилмоқда.

“COVID-19” пандемияси оқибатларини юмшатиш ва туристлар оқимини қайта тиклаш мақсадида туризм бизнесини қўллаб қувватлаш ва ички ҳамда хорижий туризмни янада ривожлантириш ҳамда қайта тиклаш бўйича давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектлари, йирик ва кичик корхоналарга бир қатор имтиёз ва енгилликлар берилди. Шу туфайли, пандемияга қарамасдан, “2020 йилда Ўзбекистонга 1,5 млн. нафар хорижий сайёҳлар ташриф буюрган, 273 миллион долларлик туризм хизматлари кўрсатилган” [7].

Туризмни қайта жонлантириш стратегиясини ишлаб чиқишида туризмни режалаштириш мажмуавий ёндашув асосида, туризм соҳасининг мақсади ва маҳаллий аҳоли манфаатлари, миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиш йўналишлари уйғунлаштирадиган Ўзбекистонда коронавирус пандемиясидан сўнг туризмни тиклаш бўйича стратегик режани ишлаб чиқиши тақоза қилмоқда.

Сўнгги йилларда туризм миллий иқтисодиётнинг "ўсиш нукталаридан" бирига айланди, у бошқа ёндош тармоқларни ривожлантириш учун драйвер бўлиб, даромадларнинг ўсишини рағбатлантиради ва юқори мултиплекатив самарага эга: “туризмдан олинадиган тўғридан-тўғри даромаднинг 1 доллари иқтисодиётнинг ёндош тармоқларида камида 5-7 доллар беради” [8].

Шуни инобатга олган ҳолда, миллий иқтисодиётнинг стратегик сектори, яъни драйвери сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-хукукий шартшароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш, унга ёндош бўлган иқтисодиёт тармоқларини кластер усулида ривожлантириш, миллий туризм брендини яратиш ва уни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш ҳисобига Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини намоён этиш талаб қилинмоқда.

**Тадқиқот методологияси.** Ўтказилган тадқиқотнинг методологик асослари илмий умумназарий, мантиқий-аналитик, қиёсий тахлил, статистик, тизимли ва вазиятли ёндашуввлар усуллари билан тақдим этилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Бугунги кунда рақамли технологияларни жорий этиш туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини шакллантиради, бу эса транзакция харажатларини камайтириш ва рақамли хизматлар ҳамда платформалар иштирокчиларининг хабардорлигини ошириш орқали туризм маҳсулотининг деярли барча таркибий қисмларига тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда.

Рақамли платформалар мамлакат туризм индустриясини ривожлантиришда бугун ҳал қилувчи рол ўйнамоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. Рақамли технологиялар бу йил ва келгуси йилларда ҳам туризм индустрияси пандемиядан кейинги тикланиш холати сабабли мухим аҳамиятга эга бўлади.

Рақамли контент ва онлайн платформалар бутун дунё бўйлаб потенциал мижозлар-туристлар эътиборини жалб қилиш қобилиятини ошириши мумкин, уларнинг бўлажак саёҳатни режалаштириш жараёнининг асосий босқичларини: орзу қилиш, режалаштириш, брон қилиш, ташриф буюриш ва олган таъсуротлари билан баҳам кўриш жараёнларини ўз ичига қамраб олади.

Туристларнинг эътиборини, “саёҳатни режалаштиришнинг асосий беш босқичида рақамли мухитда фаол иштирок этиши билан, уларни илҳомлантириш орқали жалб қилиш мумкин, аниқ бир турмаҳсулотга ишончини мустаҳкамлаш, брон қилиш жараёнини соддалаштириш ва

истеъмолчиларга ўз таъсуротларини баҳам кўришга ёрдам бериш орқали саёҳат қилишни таъминлайди” [9].

Янги Ўзбекистонда туризм иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири сифатида белгиланиши натижасида ҳукумат томонидан қабул қилинган қатор Фармон ва Қарорлар асосида бу соҳада катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Натижада, хорижий мамлакатлар фуқароларидан юртимизга виза талаб этилмайдиган мамлакатлар сони 9 тадан 86 тага етказилди, 53 та давлат учун “электрон виза” тизими жорий этилди. Туризм учун қийин бўлган жорий йилда ҳам соҳадаги субъектлар ҳар томонлама қўллаб-куватланмоқда, уларга субсидия ва ссудалар ажратилмоқда.

Аммо, мамлакатимиз туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўла туриб, узоқ йиллар бу имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдаланмай келмоқда. Ҳақиқатда туризмни ривожлантириша миллий иқтисодиётнинг ёндош тармоқларига драйвер сифатида таъсирини давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан уни мувофиқлаштириш зарурлигига етарли даражада эътибор қаратишмади. Ваҳоланки, ҳудудларда ушбу соҳанинг ривожланишини самарали бошқариш жараёни туфайли мультиплекатив самара олишда катта ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Тадқиқотлар натижаси бўйича, туристик маҳсулотни шакллантирища асосий харажатларнинг 77,6 фоизи ёндош хизмат кўрсатувчи тармоқ ва ташкилотлар ҳаражатларига тўғри келади, бу эса туризмнинг мультиплекатив самарасини аниқлашда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларининг салмоқли ўрни борлигидан далолат беради. Бунинг тасдиғини Давлат статистика қўмитасининг “2020 йилда Ўзбекистон Республикасида туризм ва дам олиш ривожланишининг асосий кўрсаткичлари”[10] статистик бюллетени маълумотларидан ҳам кўрса бўлади, 2020 йилда кирувчи туризм бўйича ташриф буюрган 1504126 кишиларга, туристик фирма ва ташкилотлар, меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари, ихтинослаштирилган жойлаштириш воситалари, индивидуал жойлаштириш воситалари ва бошқа жойлаштириш воситалари томонидан хизмат кўрсатилганлар сони атиги 178454 кишини ташкил қилмоқда.

Бу кўрсаткич бевосита туризм соҳасидаги жами кирувчи туризм бўйича ташриф буюрувчиларнинг 11,8 фоизига тўғри келмоқда, қолган 88,2 фоиз кисмига эса ёндош хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатилганини ифодалайди. Шу туфайли рақамлаштириш жараёнида туризмда харажатлар усули, яъни ЯҲМни барча товар ва хизматлар хариди учун сарфланган маблағлар қиймати орқали аниқлаш тавсия қилинади, чунки бу усул минтақадаги туристлар асосий сарф-харажатларининг аниқ тақсимотини ҳисобга олади.

**Хулоса ва таклифлар.** Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб туристларнинг қарийб 80%и ўз саёҳатларини онлайн тарзда режалаштиришмоқда. Бунга мисол, Туркия ўзининг туризм саноати учун рақамли маркетингга катта сармоя киритишига тайёрлигини эълон қилди. Шри-Ланка туристлар учун жозибадор маршрут сифатида мамлакатнинг кенг кўламли рақамли промо-кўрсатуви бошланганини эълон қилди. Индонезия, Airbnb халқаро кенгайишига жавобан, давлат кўмагида ўзининг ижара брон қилиш тармоғини ишга туширди.

Ҳозирги шароитда Онлайн-портал ва платформалар XXI асрда халқаро туризмнинг истиқболини белгиламоқда. Туризмни баҳолаш бюроси, [www.tourism-review.com](http://www.tourism-review.com), бутун дунё бўйлаб меҳмондўстлик мутахассисларига туризм бўйича ягона ечим провайдери бўлишига ёрдам бериш учун ўз хизматларини кенгайтирганини эълон қилмоқда. Дунёдаги етакчи саёҳат портали Буюк Британияда жойлашган бўлиб, унинг вазифаси туризм мутахассисларига тез ўзгарувчан рақамли мухитда ўз мақсадларига эришишда ёрдам беришдан иборат. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан бир қатор платформа ва порталар жорий килинмоқда. Жумладан, вазирлик қошида Миллий PR маркази ДУК жамоаси томонидан 19 та тилда маълумотларини тақдим қиласиган “Uzbekistan.travel”- сайёхлик веб-портали ташкил

этилган.



**1-расм. <https://uzbekistan.travel> сайёхлик веб-портали**

Ушбу рақамли контент бринчи навбатда туризм соҳаси вакиллари учун мўлжалланган бўлиб, маҳаллий ва хорижий туроператорлар, сайёхлик агентликлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, гидлар ва саёҳат блогерлари, туризм билан боғлиқ бўлган ёндош тармоқлар учун мўлжалланган. Мақсади Ўзбекистон туристик ресурсларини туристик маҳсулот сифатида распублика ичida хам, хорижда хам тарғиб килишдан иборат. “Uzbekistan.travel” сайёхлик веб- портални янада самарали ва туристлар учун жозибодор қилиш мақсадида қуидаги тавсияларни хисобга олишни таклиф қиласиз:

- меҳмонхоналар (ва бошқа турдаги турар жой воситалари) хақида умумий маълумотлар базасини яратиш (манзили, тўла фаолияти ҳақида сайти, тарихи) ва уларнинг веб-сайтларига интеграциясини таъминлаш;
- тарихий обида ва меҳмонхоналарни электрон харитада жойини кўрсатиш (геолокация) ҳамда туристлар ўзларига маъқул обьектларни белгилаш орқали навигацияга қўшиш имкониятини яратиш;
- тарихий обида ва меҳмонхоналарни  $360^{\circ}$  форматида биносини, атрофини ва хоналарини тасвирлаш;
- тарихий обида ва меҳмонхоналар ҳақида сайёхлар ва туристлар таъссуротлари асосида рейтинг кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;
- веб- порталнинг рейтинги юқори ва халқаро даражада ишловчи бронлаштириш веб-сайтлари ҳамда платформаларига интеграциясини таъминлаш;
- Ўзбекистонда туризм транспорт хизмати ҳақида маълумотлар баъзасини яратиш.

Янги Ўзбекистонда рақамли технологияларни қўллаш орқали туризм хизматларининг рақобатбардошлигини оширишнинг хорижда синалган ва исботланган усувларидан бири бўлган геоахборот тизимини шакллантириш зарур бўлмоқда. Шу муносабат билан, Туризм ва маданий мерос вазирлиги ва маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” [1] стратегиясини амалга оширишнинг “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон туризм соҳасини рақамли трансформациялашуви жараёнида туризм геопорталини ишлаб чиқишни таклиф қиласиз.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда туризм геопорталини шакллантириш кўп қиррали аҳамиятга

эга бўлиб, бир томондан, геопортал ҳудуднинг туристик салоҳиятини ўрганиш натижаларини визуал тарзда кўрсатиши ва келгусидаги илмий-маърифий тадқиқот ишлар учун асос бўлиши мумкин бўлса, иккинчи томондан, туристларга дестинациялар фарқини ва рақамли туристик маршрутларнинг мобил иловасини яратиш ҳамда туризмнинг маҳсус турларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради, инвесторларга эса туризмни ривожланиш учун истиқболли ҳудудларни танлаш имкониятини яратади.

Янги Ўзбекистон ҳудудларида туризм геопорталини шакллантириш ва туризмнинг барча хизматларини ракамлаштириш технологиясининг рентабеллигини оширишда, анъанавий туризм хизматлар бозори иштирокчиларини онлайн соҳага босқичма-босқич ўтказиш жараёнини ташкил қила оладиган ОТМда малакали бакалаврларни тайёрлаш бугунги кунда давр талаби хисобланади.

Шу туфайли, республикадаги барча туризм йўналишидаги ОТМларнинг туризм кафедралари қошида қўш малакали шаклида 61010600 -“Рақамли туризмни ташкил қилиш ва бошқариш” бўйича бакалавриат таълим йўналишини ташкил қилиш тавсия қилинади.

Мазкур таълим йўналиши вилоятлардаги туризм йўналишидаги ОТМлар ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети билан ҳамкорликда мутахассис кадрларни тайёрлаш ҳамда уларга “Рақамли туризм ташкилотчиси” ва “Рақамлаштириш ва рақамли технологиялар дастурчиси” мутахассисликларининг берилиши меҳнат бозоридаги ҳар иккала мутахассисга бўлган талабни қондиришга имконият яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони.
2. Tukhliev I.S., Sobirov B. Ways to Increase the Competitiveness of Tourism Services Through the Application of Digital Technologies in Uzbekistan. Middle European Scientific Bulletin, VOLUME13June 2021
3. Tukhliev I.S., Muhamadiyev A.N. Smart-tourism experience in geo information systems. International Scientific Journal, Theoretical & Applied Science. Impact Factor: Philadelphia, USA. April 30, 2019
4. Tukhliev I.S., Sobirov B. State regulation of innovative activities in new Uzbekistan. International Consortium on Academic, Trends on Education and Science Hosted from London, England <http://euroasiaconference.com> April 3rd -4th 2021
5. Tukhliev I.S., Muhamadiyev A., Abdukhamedov S.A. Features Of The Use Of Digital Technology In The Development Of Geographic Information Systems In Tourism. Jour of adv research in dynamical & control systems, vol. 12, special issue-06, 2020.
6. [https://www.norma.uz/qonunchilikda\\_yangi/2022-2026\\_yillarga\\_mujallangan\\_yangi\\_uzbekistonning\\_taraqqiet\\_strategiyasi\\_tasdiqlandi](https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/2022-2026_yillarga_mujallangan_yangi_uzbekistonning_taraqqiet_strategiyasi_tasdiqlandi).
7. <https://telegra.ph/Turizm-so%D2%B3asida-amalga-oshirilgan-ishlar-va-rezhalar-11-05>.
8. <https://themag.uz/post/aziz-abduhakimov>.
9. Данные и цифровые платформы как фактор роста отрасли туризма в России. Tourism Economics и Google.2021.
10. 2020 йилда Ўзбекистон Республикасида туризм ва дам олиш ривожланишининг асосий кўрсаткичлари статистик бюллетени.